

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## БОЛАЛИКНИНГ СЕҲРЛИ ОЛАМИ

Мамлакатимизда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, болаларнинг интеллектуал, маънавий, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, уларнинг мактабга тайёрлик даражасини юксалтириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

### Мактабгача таълим



Ҳақсевар она юрт, мангу бўл обод!

Бўстонлик туманидаги "Наврўз", "Дахана" ва "Марказий" маҳаллаларининг 373 нафар кичкинтойи тумандаги 14-мактабгача таълим ташкилотига қатнайди. Муассасадаги 12 гуруҳда 18 нафар педагог ва мутахассис болаларга таълим-тарбия беришмоқда. Айниқса, бочча услубиси Матлуба Исманованинг изланишлари таълим сазовор. У болаларнинг дунёқарши ва савиясини ўстирувчи турли



иждодий фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга доир машғулларнинг самараси яхши бўлмоқда. Президентимиз Мурожаатномада мактабгача таълимни ривожлантириш борасидаги ислохотларни изчил давом эттириш, болаларни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш даражасини янада кўтаришга алоҳида тўхталдилар. – дейди мудира Муҳайё Эрма

това. – Бизнинг мақсадимиз болаларни мактабга ҳар томонлама пухта тайёрлаш. Бунинг учун шароитларимиз етарли. Ходимларимиз ҳар бир бола билан алоҳида шуғулланишади. Улардаги қобилиятни илғаб олиб, шунга қараб йўналтиришади. Муассасада болалар соғ-

лига жиддий эътибор берилди. Вақтида шифокорлар кўригидан ўтказишади, бўй ва вазнларини ўлчаб, режа асосида зарурий эм-бир бола билан алоҳида шуғулланишади. Дарвоқе, муассасада анча йиллардан бери фаолият юритаётган юқори малакали дефектолог, "Шуҳрат" медали соҳиби Кабира Аҳмедо-

## Ҳафтамиз ТАСВИРИ

Киска сатрларда

Давлатимиз раҳбари яна бир янги – Маҳалла ва оила ишлари вазирлигини ташкил этишни таклиф этди.

Ўзбекистонда муҳофафасаноатини янада ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси» ишлаб чиқилмоқда.

"Бобурнома" китобининг янги наشري тақдимоти бўлиб ўтди.

Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясининг аниқ функциялари белгиланади.

Ўзбекистонда "Саломатликни мустаҳкамлашга кўмаклашувчи мактаб" лойиҳаси амалга оширилиши режалаштирилмоқда.

Йўл қурилиши соҳасида "Махсус йўл диагностика маркази" тузилади.

Учта ОТМда масофавий ўқитиш шакли жорий этилиши режалаштирилмоқда.

Фойдаланилган автомобилларни сотиб олганлик учун йигим миқдори кескин пасайиши кутиляпти.

Пойтахтимизда оғир атлетика бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида Осиё чемпионати старт олди.

Les Ailes (товуқли фаст фуд тармоғи) – Ўзбекистонда биринчи бўлиб "Ҳалол" сертификатини олди.

## ЭРКАКЧА ТАРБИЯ

### ОИЛАДА КЕРАК, МАКТАБДАЧИ?



### Акс-садо

"Тошкент ҳақиқати" газетасининг 29 январдаги 9-сонида чоп этилган "Эркакча тарбия оилада керак, мактабдачи?" сарлавҳали мақолани ўқиб, қўлимга қалам олдим.

Дарҳақиқат, аксарият оталар: "Кунини буйи ишдаман, болаларнинг юриш-туришидан ўзинг хабардор бўл", дея бор масъулиятни аёлларга ташлаб қўйишган. Оилада отанинг вазифаси фақат моддий таъминловчи бўлиб қолгани ҳам сир эмас. Улар орасида боласи мактабни битиргунча бирор марта ота-оналар мажлисига бормаганлари қанча?..

Мақолада айтилганидек, "Оталар, шубҳасиз, тарбиянинг ярми дегани. Ҳўш, эркак ўқитувчилар нега таълимнинг ярмини ташкил этмаслиги керак?" Демак, мактабларга эркак ўқитувчиларни қайтариш, уларни кўлайтириш керак. Биз ўқиган даврларда (30-35 йил аввал) аксарият ўқитувчилар эркаклар эди. Болалар, айнан энг шўх, тўполончи ўғил болаларнинг тарбияси ҳам бинойидек эди. Сабаби, эркак ўқитувчиларнинг салобати, қолаверса, ўрни бошқача бўлади. Худди оилада қаттиққўл отанинг ўрнидек...

Шу ўринда мақоладаги: "Инсон ота елкасига қанчалик эҳтиёж туйса, оталарча дарсга ҳам шу қадар эҳтиёж сезади", деган сўзлар менга жуда маъқул бўлди.

Шоҳида ҲАЙИТОВА

Бекобод тумани

## Ободлик «Қайтмас»га ҳам ярашади

Ўрта Чирчиқ тумани ҳудудида таъмирлашга муҳтож 424 та ички кўчалор мавжуд. Ҳўш, давлат дастурлари асосида уларнинг таъмирланишини кутишга неча йил керак? Тан олиш керак, озмунча эмас. Лекин, вазиятдан чиқишнинг иложи йўқми?

### Кўклам нафаси

– Бор, – деди туман ҳокими Олимжон Нурматов. – Истасак, барча нарсанинг имкони бор! Шундай қилиб, ўтган ҳафтанинг якшанбасидан туман ҳудудларида ҳашар йўли билан кўчаларни таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари бошланиб кетди. Дастлаб туманнинг чекка ҳудудларидан бўлган "Халқобод" маҳалла фуқаролар йиғини марказининг 2 чақиримлик ҳудуди туман йўллардан фойдаланиш

унитар корхонаси ҳамда Ободонлаштириш бошқармаси ишчи-ходимлари томонидан чиқиндилардан тозаланди, даракларга шакл берилди, оқланди. Шунингдек, Қумовул ҳудудидаги "Хислат-1" кўчасининг 400 метр нобол йўлларига шағал ётқизирилиб, махсус техника ёрдамида текисланди. Шу кунини ҳудуддаги "Нурафшон" маҳалласининг "Тафаккур-1" кўчасида ҳам ободонлашти-

риш ва таъмирлаш олиб борилди. Жумладан, йўлларга 50 га яқин юк машинасида шағал тўкилиб, грейдерлар орқали текисланди. Кўчанинг салкам 1000 метр жойи таъмирланди, шунингдек, 2 чақирим масофадан тоза ичимлик суви келтириш ишлари ҳам бошлаб юборилди. Амалга оширилган ишларнинг кўлами ва натижасидан илҳомланган туман кенгаши депутати Бахтиёр Хонтўраевнинг туман ҳокимига "Қайтмас" маҳалласининг ёғин-сочинли кунларда аҳоли қийналаётган кўчасида ҳам ҳашар ташкил этиш тўғрисидаги сўровига ҳокимнинг жавоби қисқатгина бўлди: – Навбатдаги ҳашар "Қайтмас"да бўлади, бизни кутинг, оқсоқол!..


Толиб ҲАКИМОВ

## «Тошкент ҳақиқати» танқид қилади

# КИМНИ АЛДАЯПСИЗ, ЖАНОБЛАР...?



Маълумотларга кўра, охириги 3 йил мобайнида биргина қурилиш соҳасида 302 та бахтсиз ҳодиса содир бўлган. Улар оқибатида 119 нафар ишчи вафот этган, 117 нафари эса оғир тан жароҳати олган.



Сўнги уч йиллик мамлакатимизда, жумладан, вилоятимизда том маънода бунёдкорлик даври бўлмоқда. Айниқса, бугун маъмурий марказ Нурафшон шаҳри қатта қурилиш майдонига айлан-

ган, ҳар қадамда кўркам ва мухташам бинолар қад ростламоқда. Бу иншоотлар қурувчилар машаққатли меҳнатининг маҳсулидир, албатта. Аммо, мазкур жараёнларда қурилиш ташкилотлари мутасаддилари ишчиларнинг эркин ва ҳавфсиз меҳнат қилишлари учун муносиб шароит яратиб беришяптими?

3

Давлатимиз раҳбарининг ҳудудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириши таъминлашга доир қарорлари доирасида аҳоли турмуш даражаси ва сифатини янада яхшилашнинг самарали механизми йўлга қўйилди. Аммо, жойларда бу қарорлар ижросига эътибор қандай?

Бу ҳақда сессияда гапирилган эди

## Кабинетдан кўринмайдиган МУАММОЛАР



3













